

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА

Препаратнинг савдо номи: Виплактин С

Таъсир этувчи модда (ХПН): бациллус клаузи

Дори шакли: ичга қабул қилиш учун суюқ суспензия

Таркиби:

Ҳар 5 мл суспензия куйидагиларни сақлайди:

фаол модда: бациллус клаузи (*Bacillus clausii*) UBBC-07
2 млрд споралар;

ёрдамчи модда: тозаланган сув.

Таърифи: бироз хиралашган, хидсиз суюқ суспензия минни ПЭ флаконларда

Фармакотерапевтик гуруҳи: Ичак микрофлора мувозанатини нормаллаштирувчи дори воситаси (пробиотик), МИБП-эубиотик. ТИБП-эубиотик.

АТХ коди: A07FA

Фармакологик таъсири

Фармакодинамикаси

Биологик табиатли препаратдир. Патоген таъсирдан холи, нормада ичакда мавжуд бўлувчи *Bacillus clausii* микроорганизмининг спораларидан ташкил топган.

Препаратни қабул қилиш турли этиологияли микроб флорасини бузилиши жараёнида ўзгаришларга учраган ичак микроб флорасини *Bacillus clausii* фаолияти туфайли тикланишига ёрдам беради. Бундан ташқари, *Bacillus clausii* турли витаминлар, хусусан В гуруҳи витаминларини ишлаб чиқариши мумкинлиги туфайли, ушбу препарат антибиотиклар ва химиотерапевтик препаратлар чақирган организмдаги витаминлар мувозанатини бузилишини нормаллаштиришга ёрдам беради. Препарат *Bacillus clausii* нинг метаболлик фаоллиги билан бевосита боғлиқ носпецифик антиген ва антитоксик самарага эришиш имконини беради.

Бундан ташқари, сунъий чақирилган антибиотикларга юқори гетероген чидамлик антибиотикларнинг селектив таъсири, айниқса кенг таъсир доирасига эга антибиотиклар орқасидан ичакнинг микроб флорасини ўзгаришларини олдини олиш ёки унинг мувозанатини тиклаш учун асосий даволашни таъминлайди. Шунингдек Виплактин С препаратининг таркибига кирувчи *Bacillus clausii* штаммлари айрим граммушбаб бактериялар: *Staphylococcus aureus*, *Enterococcus faecium* ва *Clostridium difficile*, шунингдек рота- ва аденовирусларга нисбатан антимикроб хусусиятларга эга субстанциялар ишлаб чиқариш қобилиятига эга.

Фармакокинетикаси

Ўзининг кимёвий ва физик агентларга юқори чидамлиги туфайли, перорал қабул қилинганда *Bacillus clausii* споралари меъда ширасининг кислотали тўсиғи орқали шикастланмаган кўринишда ўтади ва ичак йўлларида тушади, у ерда улар метаболлик фаол вегетатив ҳужайраларга айланади.

Қўлланилиши

– Ичак инфекциялари, интоксикациялар, овқатланишни бузилиши, мувозанатлаштирилмаган овқатланиш ва антибиотиклар ёки химиотерапевтик воситаларни қўллаш чақирган ичак микроб флорасини тиклаш бўйича даволаш;

– Кичик ёшдаги болаларда ва катталарда, ўткир ва сурункали меъда-ичак бузилишлари, интоксикация ёки ичак микроб флорасини бузилишлари учун характерли ва коринни дам бўлишида қўлланади.

Қўллаш усули ва дозалари

1 ойликдан 2 ёшгача бўлган болаларга: кунига 1-2 минни бутилка (5-10 мл) дан.

2 ёшдан 12 ёшгача бўлган болаларга: кунига 1-2 минни бутилка (5-10 мл) дан.

12 ёшдан ошган болалар ва катталарга: кунига 2-3 минни бутилка (10-15 мл) дан.

Препарат мунтазам интерваллар (3-4 соат) га риоя қилиб буюрилади. Даволаш давомийлиги шифокор томонидан индивидуал равишда аниқланади ва 6 кундан 14 кунгачани ташкил қилади.

Мини бутилкалар ичидагисини суюлтирмасдан ёки сув, сут, чой, апельсин шарбатига суюлтириб қабул қилинади.

Қўллашдан олдин препаратни чайқатиш керак.

Ноҳўя таъсирлари

Аллергик реакциялар: тошма ва эшакеми.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

– Препаратнинг компонентларига юқори сезувчанликда қўллаш мумкин эмас.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Маълумотлар йўқ.

Махсус кўрсатмалар

Препарат бензилпенициллин, цефалоспоринолар, тетрациклинлар, макролидлар, аминогликозидлар, новобиоцин, хлорамфеникол, тиамфеникол, линкомицин, изониазид, циклосерин, рифампицин, налидиксон ва пипемид кислоталари каби антибиотиклар билан ўзаро таъсирлашмайди. Агар препарат антибиотиклар билан бир вақтда буюрилса, уни антибиотикларни иккита қабул қилишлари орасида қўллаш керак.

Виплактин С препаратини сакловчи мини бутилкаларда *Bacillus clausii* споралари агрегацияси оқибатида ҳосил бўладиган кўринарли заррачалар мавжуда бўлиши мумкин ва препарат бирон-бир ўзгаришларга учраганидан далолат беради.

Ҳамилadorлик ва лактация даврида қўлланилиши

Препаратни ҳамилadorлик ва лактация даврида қўллаш мумкин.

Автомобилни ва мураккаб механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири

Автомобилни бошқариш ва диққатни юқори жамлашни талаб этувчи ишларни бажариш қобилиятига таъсир қилмайди.

Дозани ошириб юборилиши

Препарат дозасини ошириб юборилиши аниқланмаган.

Чикарилиш шакли

5 мл дан ичга қабул қилиш учун суюқ суспензия минни бутилкаларда.

10 минни бутилкалар давлат ва рус тилидаги тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан картон қутида.

Сақлаш шароити

Курук, ёруғликдан химояланган жойда, 25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлик муддати

2 йил.

Яроқлик муддати ўтгач қўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептсиз.



Савдо маркази ва рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг эгаси
BELINDA LABORATORIES PVT. LTD., Ҳиндистон.

Ишлаб чиқарувчи

Unique Biotech Limited, Ҳиндистон.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудда дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (тақлифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили

“Ameliya Pharm Service” МЧЖ
Ўзбекистон, Тошкент ш., 100015, Ойбек кўч., 36, “EAST LINE” БМ.

E-mail: uzdrugsafety@evolet.co.uk